

Ўзбекистон ва Покистон Президентлари кўп қиррали шерикликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар



Ашхобод шаҳрида ўтаётган ИХТ саммити тадбирлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислам Республикаси Президенти Ориф Алвий билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон-Покистон кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Шериклик алоқалари, энг аввало иқтисодиёт йўналишида жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Минтақа кун тартибидаги долзарб масалалар, шу жумладан Афғонистонда вужудга келаётган вазият муҳокама қилинди.

Манба